

Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши түгрисида
ШАРТНОМА № 31890

Тошкент ш.

2022 йил “14” 07

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMASNI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган «МАНКАМ BUILDING» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва № 002174 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Махкамов Х.К., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 6-июлдаги 112372-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, куйидагилар түгрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги “Тавкентепа” қабристонининг девор ва тўсиқларини таъмирлаш лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирив ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**КҚС сиз**) **15 000 000 (Ўнг беш миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган холда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Бажарувчи қийидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиха-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиха-смета хужжатларига тузатишлар киритиши;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуки йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиха-смета хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган максадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қиласлик;

3.2.3. Тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиши.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қиласа, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгаришишга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиха смета хужжатлари ва бажарилган қидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирив ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса,

ишлилар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталарга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент тумланлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарап қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кескитирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир қиласлика келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик ҳолда қонунга хилоф равишида пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласлигидан шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийк ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи

тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмагандага, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажарувчи томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида кайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БЮОРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили: ЦБ г. Тошкента,
100027, Тошкент ш., Й. Каримов кўчаси,
16а-уй.



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

ООО «МАНКАМ BUILDING»

Адрес и расчетный счет:
г. Ташкент, Юнусабадский район,
ул. Мойкурган дом №53
р/с: 20208000300718496001,
М. Улугбекский ф-л. АКБ
«Узпромстройбанк»
МФО 00440, ИНН 304592883

ОКЭД-71110



Махкамов Х.К



Тошкент шаҳар

**“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги "Тавкентепа" қабристонининг девор ва тўсиқларини таъмирлаш.” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги "Тавкентепа" қабристонининг девор ва тўсиқларини таъмирлаш.” объекти бўйича(кейинги ўринларда обьект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 24 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 112372 лот рақами эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштироқчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “МАНКАМ BUILDING” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 06 июлдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги “Тавкентепа” қабристонининг девор ва тўсиқларини таъмирлаш.” обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “МАНКАМ BUILDING” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.



С. Сагдиев



Ш. Қодиров




О. Хамидов



П. Абдузатторов



М. Холматова



Тошкент шаҳар хокимияти "Яна буярганин хизмати" ИКИНИГ
Республика болжигитининг 2022 йил 9 июннаги 508-14-0-QIZZ-сонли якори
объектларининг курни бўйича

2022 йилни МАНИЗИЛИ РУЙХАТИ

№	Объектларнинг номи ва макони	Курниш бўйича жадид фото номи намош хона	Объектнинг жадид намош фото номи намош хона	2022 йил учиринига курнишлар язмаси		2022 йилда фойдаланниш тозигарашиниши	01.01.23 йилдан кундан кунга тарз объектларни жадид фото номи намош хона													
				2022 йил учиринига курнишлар язмаси	муаррихида															
				Бўйротларни жадид фото номи намош хона	Бўйротларни жадид фото номи намош хона															
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
22	2022 йилнига курнишлар язмаси																			
1	Тошкент шаҳар Угбас буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/21	обект					504 465,5												
2	Тошкент шаҳар Маддий Угбас буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/22	обект					32 750,0												
3	Тошкент шаҳар Заминбод буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/23	обект					21 000,0												
4	Тошкент шаҳар Заминбод буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/24	обект					26 250,0												
5	Тошкент шаҳар Бозорлик буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/25	обект					21 000,0												
6	Тошкент шаҳарнига 3-сабака жадидланништган буярганинга язмаси	2022/26	обект					13 650,0												
7	Тошкент шаҳар Ошондор буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/27	обект					44 800,0												
8	Тошкент шаҳар Бозорлик буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/28	обект					23 275,0												
9	Тошкент шаҳар Заминбод буярганинга "Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/29	обект					30 485,0												
10	"Люксем" маддий курилганларнига язмаси	2022/30	обект					2023,0												
								157 000,0												



"Келинили"
 Тошкент шаҳар хокимияти Икътисодий тарроҳий
 маддий курилганларни куришни кутилаш
 бўйича
 III С.Шукуров
 2022 йил

